# ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХАЛҚАРО ЖУРНАЛ

**2 СОН, 1 ЖИЛД**

# МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ

**НОМЕР 2, ВЫПУСК 1**

# INTERNATIONAL JOURNAL INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN EDUCATION

**VOLUME 2, ISSUE 1**

**Самарқанд - 2022**

**ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ | МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ | INTERNATIONAL JOURNAL INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN EDUCATION**
№2 (2022) http://kimweb.uz

| | | |
|---|---|---|
| **Бош муҳаррир**<br>**Лутфиллаев М.Х.**<br>п.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Главный редактор**<br>**Лутфиллаев М.Х.**<br>**Д.п.н. профессор (Узбекистан)** | **Chief Editor**<br>**Lutfillaev M.Kh.**<br>DSc in Pedagogical Sciences, professor (Uzbekistan) |
| **Бош муҳаррир ўринбосари**<br>**Абдуллаева Л.Т.**<br>(Ўзбекистон) | **Заместитель главного редактора**<br>**Абдуллаева Л.Т.**<br>**(Узбекистан)** | **Deputy editor-in-chief**<br>**Abdullaeva L.T.**<br>(Uzbekistan) |
| **Таҳрир ҳайъати:** | **Редакционная коллегия:** | **Editorial Board:** |
| **Арипов М.**<br>ф.м.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Арипов М.**<br>д. ф.м. н. профессор (Узбекистан) | **Aripov M.**<br>DSc in Physics and Mathematics, professor (Uzbekistan) |
| **Жўраев Р.Х.**<br>Академик АНУз (Ўзбекистон) | **Жураев Р.Х.**<br>Академик АНУз (Узбекистан) | **Jo'raev R.X.**<br>Academician of the Academy of Sciences (Uzbekistan) |
| **Абдуллаева Ш.А.**<br>п.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Абдуллаева Ш.А.**<br>д.п.н. профессор (Узбекистан) | (**Abdullaeva Sh.A.**<br>DSc in Pedagogical Sciences, professor (Uzbekistan) |
| **Рахматуллаев М.А.**<br>т.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Рахматиллаев М.А.**<br>д.т.н. профессор (Узбекистан) | **Raxmatullaev M.A.**<br>DSc in Technical Sciences, professor (Uzbekistan) |
| **Мўминов Б.**<br>т.ф.д. (Ўзбекистон) | **Муминов Б.**<br>д.т.н. (Узбекистан) | **Mo'minov B.**<br>DSc in Technical Sciences (Uzbekistan) |
| **Хўжаёров Б.Х.**<br>ф.м.ф.н. профессор (Ўзбекистон) | **Хужаёров Б.Х.**<br>д.ф.м.н. профессор (Узбекистан) | **Xojayorov B.X.**<br>DSc in Physics and Mathematics, professor (Uzbekistan) |
| **Нормуродов У.Б.**<br>ф.м.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Нормуродов Ч.Б.**<br>д.ф.м.н. профессор (Узбекистан) | **Normurodov U.B.**<br>DSc in Physics and Mathematics, professor (Uzbekistan) |
| **Тўрақулов О.**<br>п.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Туракулов О.**<br>д.п.н. профессор (Узбекистан) | **Turakulov O.**<br>п.ф.д. professor (Uzbekistan) |
| **Мирзаев И.К.**<br>ф.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Мирзаев И.К.**<br>д.ф.н. профессор (Узбекистан) | **Mirzaev I.K.**<br>DSc. professor (Uzbekistan) |
| **Тўхтасинов И.М.**<br>п.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Тухтасинов И.М.**<br>д.п.н. профессор (Узбекистан) | **Tukhtasinov I.M.**<br>DSc in Pedagogical Sciences, professor (Uzbekistan) |
| **Насруллаева Н.З.**<br>ф.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Насруллаева Н.З.**<br>д.ф.н. профессор (Узбекистан) | **Nasrullaeva N.Z.**<br>DSc in Philological Sciences, professor (Uzbekistan) |
| **Мирсанов Г.К.**<br>ф.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Мирсанов Г.К.**<br>д.ф.н. профессор (Узбекистан) | **Mirsanov G.K.**<br>DSc in Philological Sciences, professor (Uzbekistan) |
| **Ашуров Ш.С.**<br>Ф.ф.н.доцент (Узбекистан) | **Ашуров Ш.С.**<br>к.ф.н.доцент (Узбекистан) | **Ashurov Sh.S.**<br>Candidate of Philological Sciences, Associate Professor (Uzbekistan) |

| | | |
|---|---|---|
| **Файзиев М.А.**<br>п.ф.н.доцент (Узбекистан) | **Файзиев М.А.**<br>к.п.н.доцент (Узбекистан) | **Fayziev M.A.**<br>Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor (Uzbekistan) |
| **Базарбаева А.М.**<br>PhD (Узбекистан) | **Базарбаева А.М.**<br>PhD (Узбекистан) | **Bazarbaeva A.M.**<br>PhD (Uzbekistan) |
| **Саидов А.И.**<br>PhD (Узбекистан) | **Саидов А.И.**<br>PhD (Узбекистан) | **Saidov A.I.**<br>PhD (Uzbekistan) |
| **Кауфман В.Ш.**<br>д.ф.м.н. профессор (Россия) | **Кауфман В.Ш.**<br>д.ф.м.н. профессор (Россия) | **Kaufman V.Sh.**<br>DSc in Physics and Mathematics, professor (Russian Federation) |
| **Сугимото Мицуру**<br>(Япония) | **Сугимото Мицуру**<br>д.ф.м.н. профессор (Япония) | **Sugimoto Mitsuru**<br>DSc, professor (Japany) |
| **Чон К**<br>(Южная Корея) | **Чон К**<br>(Южная Корея) | **Chon K**<br>DSc, professor (Южная Корея) |
| **Пажес Д.**<br>(Франция) | **Пажес Д.**<br>д.ф.м.н. профессор (Франция) | **Pajes D.**<br>(France) |
| **Слодковски А.**<br>д.т.н. (Польша) | **Слодковски А.**<br>д.т.н. (Польша) | **Slodkoveki A.**<br>PhD in Technical Sciences (Poland) |
| **Каменская М.А.**<br>д.б.н. (Россия) | **Каменская М.А.**<br>д.б.н. (Россия) | **Kamenskaya M.A.**<br>PhD in Biology (Russian Federation) |
| **Бияшев Р.Г.**<br>д.т.н. (Россия) | **Бияшев Р.Г.**<br>д.т.н. (Россия) | **Biyashev R.G.**<br>PhD in Technical Sciences (Russian Federation) |
| **Рахмонов З.**<br>ф.м.ф.д. (Ўзбекистон) | **Рахмонов З.**<br>д.ф.м.н. (Узбекистан) | **Raxmonov Z.**<br>PhD in Physics and Mathematics (Uzbekistan) |
| **Фозилов Ш.Х.**<br>ф.м.ф.д. профессор (Ўзбекистон) | **Фозилов Ш.Х.**<br>д.ф.м.н. профессор (Узбекистан) | **Fozilov Sh.X.**<br>DSc in Physics and Mathematics, professor (Uzbekistan) |
| **Рушанский М.**<br>(Великобритания) | **Рушанский М.**<br>DSc, профессор (Великобритания) | **Rushanskiy M.**<br>(Great Britain) |
| **Ходжаев Я.Х.**<br>ф.м.ф.д. пофессор (Ўзбекистон) | **Ходжаев Я.Х.**<br>д.ф.м.н. пофессор (Узбекистан) | **Xodjaev Ya.X.**<br>DSc in Physics and Mathematics, professor (Uzbekistan |
| **Туробов А.М.**<br>Ф.ф.н.доцент (Узбекистан) | **Туробов А.М.**<br>к.ф.н.доцент (Узбекистан) | **Turobov A.M.**<br>Candidate of Philological Sciences, Associate Professor (Uzbekistan) |



**"Ta'limda innovatsion texnologiyalar" jurnali O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan ro'yxatdan o'tkazilgan. GUVOHNOMA № 1831 -6360-9a71 -5b57-cf84-4848-9543. Tarqatish shakli: jurnal. Til(lar)i: o'zbek, rus, ingliz. Muassis(lar)i: Samarqand davlat chet tillar instituti . Ixtisoslashuvi: ta'lim, ilmiy. Tahririyat manzili: 140104, Samarqand viloyati, Bo'stonsaroy ko'chasi, 93-uy Tarqatish hududi: O'zbekiston Respublikasi hamda belgilangan tartibda chet davlatlarga Berilgan sanasi: 01-04-2022.Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ rahbari: Xodjayev Asadjon Azatbekovich**

**Муҳаррир** Туробов А, **Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи:** Ҳусниддин Амриллаев



**Контакт редакций журналов.www.samdchti.uz**
140104, г. Самаркандская, улица Бостонсарай, 93.
Web: http://www.samdchti.uz/;
E-mail: info@samdchti.uz; maxmud@inyaz.uz
Тел: (+99866) 238-29-41, (+99890) 603-81-88

**Editorial staff of the journals of www.samdchti.uz**
140104, Samarkand region, Bostonsaray street, 93, Web: http://www.samdchti.uz/;
E-mail: info@samdchti.uz; maxmud@inyaz.uz
Phone: (+99866) 238-29-41, (+99890) 603-81-88

**МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ CONTENT**

**1. Тухтасинов И.М.**
СИНХРОН ТАРЖИМАДА ЛЕКСИК КОМПРЕССИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ…………………………………………..................................6

**2. Нормурадов Ч.Б, Бабаходжаева Н.М.**
ВИЗУАЛИЗАТОРЫ АЛГОРИТМОВ КАК ЭФФЕКТИВНОЕ СРЕДСТВО ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАНИИ……………….14

**3. Мирсанов Ғ.**
ЎЛЧОВ ВА МИҚДОР БИРЛИКЛАРИНИНГ АСПЕКТ МАЪНОЛАРГА ТАЪСИРИ ………………………………………………………….……..25

**4. Шамахмудова А.Ф.**
ТЕОРИИ КОММУНИКАТИВНЫХ СТРАТЕГИЙ ВЕЖЛИВОСТИ И ТЕОРИЯ «СОХРАНЕНИЯ ЛИЦА»……………………………………..…….32

**5. Абдуллаева Ш.А.**
РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ СТРИМИНГОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ……………………………......40

**6. Kenjaboyev A.E.**
INNOVATSION YONDASHUV ASOSIDA XORIJIY TIL O‘QITUVCHILARIDA DEONTOLOGIK KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYASI…………………………………….…...50

**7. Туробов А.М.**
ТУРҒУН СЎЗ БИРИКМАЛАРИ СИНТАКТИК ШАКЛЛАНИШИ…………60

**8. Сулейманова Н.М.**
ГАПНИНГ НОМИНАТИВ АСПЕКТИ ВА УНИНГ КОММУНИКАТИВ ЖАРАЁНДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ҲАҚИДА……………………………………72

**9. Абдуллаев Ф.А.**
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШГА ОИД ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР…………………...78

**10. Узоқов А.М.**
ЗАМОНАВИЙ АРМИЯГА ЕТУК ОФИЦЕР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА

СЕН-СИР МАХСУС ҲАРБИЙ МАКТАБИ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ……………………………..…...87

**11. Sadieva N.O.**

SOME MODERN TECHNIQUES FOR TEACHING ENGLISH VOCABULARY……………………………………………………………95

**12. Kenjabaev J.A.**

LINGODIDACTIC PECULIARITIES OF THE DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE COMPETENCE OF STUDENTS IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION…………………………………………..…………...99

**13. Абдуллаева Л.Т.**

МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ЭЛЕКТРОННЫХ РЕСУРСОВ ПРИ РАЗВИТИИ СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ У СТУДЕНТОВ ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ ВУЗОВ…………………………………………......110

4. Лутфиллаев, М. Х., Абдуллаева, Ш.А. (2019). Вопросы разработки и внедрения программного обеспечения педагогической диагностики (на примере высших учебных заведений республики Узбекистан). *Образовательные ресурсы и технологии*, (3 (28)).

5. Абдуллаева, Ш. А., Хужаназарова, С. Ф. (2017). Организация работы по воспитанию толерантности в средних общеобразовательных школах. *Современное образование (Узбекистан)*, (7).

6. Рузметова, С. Т., Абдуллаева, Ш.А. (2021). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАНИИ. *Проблемы современной науки и образования*, (3 (160)), 33-35.

7. Юлдашев М.А. Таълимда менежмент. –Т.:Молия, 2017.-180 б.

**Узоқов Аслиддин Меҳритдинович**
Бухду Ҳарбий таълим факультети Махсус
тайёргарлик цикл бошлиғи п.ф.ф.д.(PhD)

# ЗАМОНАВИЙ АРМИЯГА ЕТУК ОФИЦЕР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА СЕН-СИР МАХСУС ҲАРБИЙ МАКТАБИ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада давр талабларига жавоб берадиган ҳар томонлама етук ҳарбий кадрларни тайёрлашда илғор хорижий тажрибалардан Сен-сир махсус ҳарбий мактабининг илғор тажрибасини ўрганиш ва олий ҳарбий таълим тизимида фойдаланишнинг ижобий томонлари илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** Тарбия, ҳарбий, ватанпарварлик, шараф, қонун, Ватан, мудофаа, лидерлик.

**Аннотация.** Статья научно основана на изучении передового опыта Специального военного училища «Сен-сир» и положительных сторон его использования в системе высшего военного образования на основе передового зарубежного опыта подготовки всесторонне зрелых военнослужащих, отвечающих требованиям времени.

**Ключевые слова:** Воспитание, военный патриотизм, честь, закон, Родина, оборона, руководство.

**Annotation.** This article is scientifically based on the study of the advanced experience of the Sen-sir special military school and the positive aspects of its use in the higher military education system from the advanced foreign experience in training comprehensively mature military personnel meeting the requirements of the time.

**Keywords:** Education, military patriotism, honor, law, homeland, defense, leadership.

Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири-маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маъориф тизимини такомиллаштириш, миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказиш, ўз Ватанига, элу юртига садоқатли фуқароларни тарбиялаш ижтимоий зарурат сифатида қаралмоқда.

Миллий маънавиятимизни тиклаш борасида олиб борилган, давом этаётган ишлар, олий таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилинаётгани Ўзбекистонда ватанпарвар, ижтимоий фаол, маънавияти етук шахсларни тарбиялаш, халқ хўжалиги, бошқарув идоралари, фан-техника ва маданиятнинг барча соҳалари учун етук мутахассислар тайёрлаш имкониятининг вужудга келиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ”Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз” [18]. номли асарида таъкидлаганидек, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсаддир.

Ҳозирги глобаллашув даврида барча соҳалар қаторида ҳарбий таълим тизимини модернизациялаш, мазкур тизимда замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш заруриятга айланди. Айни вақтда ҳарбий таълим тизимида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш,

[18] Мирзиёев.Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. –Т.; “Ўзбекистон”, 2017.-488 бет.

ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида. Қолаверса, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш бўйича ишлар бутунлай янги сифат босқичига кўтарилди.

Жаҳон ҳарбий таълим тизимидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уни миллий таълим тизимизга мувоқлаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, мақоламизда Франциянинг машҳур Сен-Сир ҳарбий мактаби ва ундаги таълим тизимини кўриб чиқамиз.

Сен-Сир махсус ҳарбий мактаби (École spéciale militaire de Saint-Cyr) иборасининг луғавий маъноси “Ғалаба қозонишни ўргатади” ва “Ғалаба учун машқ қилиш” билдиради ва мазкур махсус мактаб Франциянинг Коэткидан ҳудудида (Ренн шаҳридан 45 км жануби-ғарбда, Нормандия провинциясида) жойлашган.

“Сен-Сир” махсус ҳарбий мактаби ўзининг шонли ўтмиши ва бой тарихга эга қадимий таълим муассасаси ҳисобланиб, у 1802 йилда Наполеон Бонапарт томонидан мамлакат келажаги учун француз ёшлари орасидан энг муносиб номзодларни саралаш мақсадида асос солинган. Дастлабки даврда қироллик армияси учун малакали жангчиларни тайёрлаб келган ушбу мактаб 1947 йилдан бошлаб умумқўшин офицерларини, 1977 йилдан бошлаб эса бир нечта ҳарбий мактабларни бирлаштирилиши орқали кўп тармоқли (умумқўшин, техник таъминот ва маъмурий таркиб офицерларини тайёрловчи) Франция Қуролли Кучлари Қуруқликдаги қўшинларининг бош ҳарбий мактабига айланди.

Бугунги кунда Сен-Сир ҳарбий мактаби Францияниг миллий мақомдаги кам сонли мактабларидан бири бўлиб, мамлакатнинг “энг кучли ўнталик” олий таълим муассасалари қаторига киритилган. Шунинг билан

бирга ушбу мактаб нафақат ҳарбий соҳада, балки мамлакат олий таълим тизимини устувор йўналишларини мувофиқлаштириш ва миллий кадрларни тайёрлашда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга.

Таълимнинг тўла курси 3 йилга мўлжалланган. 3 йиллик таълимни муваффақиятли тамомлаган битирувчига олий махсус маълумот тўғрисидаги диплом ҳамда лейтенант унвони берилади. Ундан сўнг битирувчилар қўшин турларининг амалий мактабларига юбориладилар ва у ерда муайян лавозимга тайинланишларидан олдин танлаган мутахассисликлари бўйича 2 йиллик тайёргарликни ўтайдилар.

Бугунги кунга келиб Сен-Сир махсус ҳарбий мактабига қуйидаги тоифадаги ёшлар қабул қилинади:

- 12 йиллик ўрта мактабни (лицейни) тамомлаган фуқаро ёшлар (шу жумладан (кўп бўлмаган миқдорга қизлар) (ёш чегараси 22 ёшгача);
- олий мактаблар (университетлар) қошида ташкил этилган 2 йиллик тайёрлов синфларини тамомлаб бакалавр дипломини олган ёшлар, тайёрлов ҳарбий лицейларнинг битирувчилари (ёш чегараси 22 ёшгача);
- университетни тамомлаганлик тўғрисидаги дипломга эга унитар-офицерлар (ёш чегараси 23-25 ёшгача).

Ушбу мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш концепцияси учта асосий ва бир-бирини тўлдирувчи вазифаларни ҳал қилишга асосланган: бўлажак командирларни тайёрлаш, кўп аспектли академик ва ҳарбий-спорт тайёргарлиги:

**Ҳарбий-профессионал тайёргарлик** – бўлажак офицерларда танланган ҳарбий мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ англашга асосланган мустахкам касбий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган;

**Ҳарбий ва спорт тайёргарлиги** – курсантларда ҳарбий хизматнинг қийинчилик ва машаққатларига матонат билан чидаш каби фазилатларни таъминлайди, шунингдек қисқа муддат ичида умумқўшин взводини

бошқариш бўйича зарур бўлган кўникма ва билимларни эгаллаш имконини беради. Кўпроқ вақт ажратиладиган ушбу тайёргарлик турида курсантларга тактика ва стратегия ҳамда турли қуроллар билан муомала қилиш сирлари ўргатилади. Кўпроқ эътибор спортнинг парашют билан сакраш, сув тўсиқларидан ўтиш, турли масофаларга югуриш каби махсус турларига қаратилади.

**Академик тайёргарлик** – курсантларга мунтазам ўзгариб турувчи сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг бутун мураккаблигини англаш, шахсий маданий билимлар захирасини шакллантириш имконини берувчи дунёқараш асослари бўйича билимларни беради. Ўкув жараён мобайнида курсантлар математика, география, тарих, чет тили ва бошқа предметлардан ўз билимларини мукаммаллаштириб борадилар.

Охирги вақтларда ҳар йили мактабга 170 дан 200 тагача одам жумладан 20 тадан кўп бўлмаган миқдорда қизлар) қабул қилинмоқда. Мактабда чет эллик фуқаролар ҳам таҳсил олишади: масалан 2001 йилда ушбу мактабни Франция билан ҳарбий ҳамкорликдаги 13 та давлатнинг вакиллари битиришган.

Таълим бериш жараёни Ҳарбий-профессионал тайёргарлик, Жисмоний фаоллик ва Академик тайёргарлик принципларидан иборат учта йўналишга қаратилган бўлиб, асосий эътибор – ҳарбий хизматчиларнинг етук шахс сифатида шаклланиши, умумий маданияти, мамлакат тарихи ва миллий қадриятларга бўлган ҳурмат, лидерлик ва бошқарув фазилатларини ривожлантиришга қаратилади. Шу мақсадда мактабда таълим-тарбия бериш учун энг яхши мутахассис-ўқитувчиларни тайинлаш мамлакат миқёсида амалга оширилади.

Эътиборли жиҳатларидан яна бири, мактабнинг ҳар бир тингловчисида “Юксак ватанпарварлик, мамлакат тарихига чексиз ҳурмат ва унинг келажаги учун буюк масъулият” ғоялари қадрланади. Сен-Сирнинг ҳар бир бўлинмаси ундаги тингловчиларнинг ор-номус ва хаётий принципи ва ўзига яраша “бош

ғояси"га айланган шиорга эга бўлиб, ҳар бир тингловчи ўз бўлинмаси шиорини ўзи учун куч-қудрат ва ақл-заковат тимсоли сифатида қадрлайди.

Бундан ташқари, француз ҳарбий раҳбариятининг фикрига кўра, замонавий офицер учун мажбурий талаблардан бири чет тилларини билишдир. Шу асосда бир ёки иккита чет тилини интенсив ўрганиш Сен-Сир мактаби курсантларини тайёрлашда муҳим йўналишга айланган. Инглиз тили курсантларнинг барча тоифалари учун мажбурий фан сифатида ўқитилади ва ўқишни тугатгандан сўнг, офицер биринчи даражали инглиз тили курсларини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисида сертификат олиши керак. Олинган билимлар даражасини ва уни инглиз тилида сўзлашувчи ҳарбий хизматчилардан ташкил топган қўшма ҳаракатлар жараёнида уни қўллашга тайёрлигини текшириш мақсадида учинчи курс курсантлари учун инглиз тилида тактик машқларни бажариш кўзда тутилган. "Халқаро муносабатлар" ва "Кадрлар ва бўлинмаларни бошқариш" фанлари бўйича ихтисослашган курсантлар, юқоридагилардан ташқари, иккинчи чет тилини ўрганадилар. Мактабда тилларни ўқитиш методикасида лингафонаториялар, бу соҳадаги замонавий технологиялар, аудио ва видео ускуналардан фойдаланиш кўзда тутилган. Учинчи курсда олинган кўникмаларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида бешинчи семестр охирида курсантлар учун 12 ҳафталик чет элда амалиёт ўташ назарда тутилган.

Мактабда касбий тайёргарлик дастури, бу ерда ҳарбий мутахассислик бўйича юқори малакага эга бўлган, офицерлик лавозимларида ўз вазифаларини бажаришга ахлоқий ва жисмонан тайёр бўладиган бўлажак командирлар тайёрланишини ҳисобга олади. Унинг ўзига хослиги шундаки, курсантларни қўшинларда кейинги хизматини ҳисобга олган ҳолда ўқитишни назарда тутади ва бундан ташқари, уларга ҳарбий мартабасини мустақил равишда белгилаш ҳуқуқини беради. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг мақсади уларга ҳарбий соҳада тўлиқ маълумот бериш эмас, балки

курсантларга тактика ҳақида асосий маълумотларни этказиш ва шу билан уларни масалаларнинг мураккаблигини тушунишга мажбурлашдир.

Умуман олганда, Сен-Сир махсус ҳарбий мактаби – унда жорий қилинган ўқув жараёни, бой ўтмиши, шонли анъаналари ва ижобий имиджи билан ҳар томонлама етук, замонавий фикрлайдиган ҳақиқий ватанпарварларни етиштириб чиқарувчи Франциянинг етакчи таълим муассасаларидан бирига айланган.

- курсантларга ижтимоий-маданий характердаги кенг кўламли муаммолар тўғрисида керакли маълумотларни тақдим этиш, бу уларга юзага келадиган қийин вазиятларни тўғри баҳолаш ва холис таҳлил қилишни ўрганиш имкониятини беради;

- тарбияланувчиларда ахлоқий қадриятлар, масалан, ахлоқ, ватанпарварлик, фуқаролик бурчлари, шараф, интизом, инсон қадр - қимматининг устуворлиги, буйруқбозлик фазилатлари тўғрисида аниқ тасаввурни ривожлантириш (шахсиятнинг айрим хусусиятларини ривожлантириш, обрўси ва психологияси бўйича билимларга эга бўлиш). бўйсунувчилар) ва ниҳоят, ҳарбий хизмат талабларига жавоб берадиган касбий маҳорат ва кўникмалар.

Сен-Сир махсус ҳарбий мактаби фаолиятини ўрганиш хулосаларига кўра бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим тизимида мавжуд бир қатор таълим тизимини янгилаш ва такомиллаштириш зарурати мавжудлиги намоён бўлди.

Замон талабларига жавоб берадиган профессионал армияда фаолият олиб борадиган офицер кадрларни тайёрлашда жорий қилинадиган таълим тизимининг асосий устуворлиги ўқув жараёни, бой ўтмиши, шонли анъаналари ва ҳар томонлама етук, замонавий фикрлайдиган ҳақиқий ватанпарварларни етиштириб чиқаришга мўлжалланган бўлиши зарур.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш тизимида Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами сифатида қуйидаги жиҳатларни Ўзбекистон

Республикасининг ҳарбий таълим тизимига жорий қилиш масаласини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари ўқув жараёнини кредит-модул тизимига босқичма-босқич ўтказиш (*дастлабки даврда АКТ ва алоқа ҳарбий институтида синов тариқасида*);

олий таълим муассасаларининг гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий йўналишлар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозимларига номзодларни тайинлашни вазирлик миқёсида давлат органларининг тавсиялари асосида амалга ошириш;

ОҲТМлар курсантлари ва тингловчилари билан ижтимоий-иқтисодий йўналишларда таниқли олимлар, фан арбоблари, академиклар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳукумат вакиллари, сенаторлар ва депутатлар томонидан долзарб мавзуларда маърузалар ўқиш тажрибасини йўлга қўйиш;

таълим муасссаларида чет тилларини ўрганишнинг самарали усулларини жорий қилиш орқали *(ўқув вақтларида ва ундан ташқари вақтларда)* курсантларнинг ўқишни тамомлагандан сўнг битта (ёки иккита) чет тилларида эркин сўзлаша олишларини таъминлашга эришиш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. –Т.; “Ўзбекистон”, 2017.-488 бет.

2. Абдуллаева, Ш. А. (2019). Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. In *Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития* (pp. 4-10).

3. Абдуллаева, Ш. А., Зайнитдинова, М.А. (2018). Совершенствование качества образования в системе переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров. *Научный результат. Педагогика и психология образования*, *4*(3).

4. Лутфиллаев, М.Х., Абдуллаева, Ш.А. (2019). Вопросы разработки и внедрения программного обеспечения педагогической диагностики (на примере высших учебных заведений республики Узбекистан). *Образовательные ресурсы и технологии*, (3 (28)).

5. Абдуллаева, Ш.А., Хужаназарова, С.Ф. (2017). Организация работы по воспитанию толерантности в средних общеобразовательных школах. *Современное образование (Узбекистан)*, (7).

6. П. Колесов, А.Стрелецки. Сен-Сирская специальная военная школа сухопутных войск Франции (2006) // Зарубежное военное обозрение №6 2006

7. Odile Roynette, «La mixité : une révolution en danger?», L'Histoire № 455, январь 2019, p. 12-19.

8. Феличкин Ю. М. Как я стал двойником: Воспоминания. — Ростов н/Д: Ред. журн. «Дон», 1990. — 160 с. — ISBN 5-7509-0206-4.

9. Сен-Сирская военная школа // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907.

10. Узоқов.А.М. Талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш: П.ф.ф.д.(PhD) ... дис// – Самарқанд: Самду, 2020. – 13 б.

# SOME MODERN TECHNIQUES FOR TEACHING ENGLISH VOCABULARY

**Sadieva Nasiba Olimdjanovna**
Senior teacher

**Annotation.** This work deals with some modern techniques for teaching English vocabulary for intermediate level students. The importance of close links between lexical and grammar tasks is stressed.

**Key words:** receptive and productive tasks, completion or creation of sentences and texts, selecting, matching, narrative, role-plays, language skills.

**Садиева Насиба Олимджановна**
Старший преподаватель

# НЕКОТОРЫЕ СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОЙ ЛЕКСИКЕ

**Аннотация.** В статье рассматриваются современные эффективные методики обучения английской лексике студентов высшей школы.

# ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХАЛҚАРО ЖУРНАЛ

# МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ

# INTERNATIONAL JOURNAL INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN EDUCATION

**№2 2022**

Муҳаррир: С.Каримова
Техник муҳаррир: Ҳ.Амирдинов
Мусаҳҳиҳ: Ш.Абдурахимов

**Журнал таҳририяти манзили**
**www.samdchti.uz**
140104, Самарқанд ш., Бўстонсарай кўчаси, 93.
Web: http://www.samdchti.uz/;
E-mail: info@samdchti.uz; maxmud@inyaz.uz
Тел: (+99866) 238-29-41, (+99890) 603-81-88

**Контакт редакций журналов.**
**www.samdchti.uz**
140104, г. Самарканд, улица Бустонсарай, 93.
Web: http://www.samdchti.uz/;
E-mail: info@samdchti.uz; maxmud@inyaz.uz
Тел: (+99866) 238-29-41, (+99890) 603-81-88

**Editorial staff of the journals of**
**www.samdchti.uz**
140104, Samarkand region, Bustonsaray street, 93
Web: http://www.samdchti.uz/;
E-mail: info@samdchti.uz; maxmud@inyaz.uz
Phone: (+99866) 238-29-41, (+99890) 603-81-88

Босишга 01.04.2022 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60x81 1/8. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 6,5.
Нашриёт ҳисоб табоғи 7,0. Адади 50 нусха. Буюртма № 30/12.

---

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.